
ТАБРИК ХАТИ

Хурматли Шухрат Мадаминovich!

Сизни, Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва шахсан ўз номидан Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан вилоят ҳокими лавозимига тайинланганлигиниз муносабати билан чин дилдан самимий табриклаймиз.

Сиз республикаимиз йирик вилоятининг раҳбари сифатида Фарғона вилоятини янада ривожлантириш ва халқни рози қилиш йўлида қатъият билан ибратли ишларга бош бўлаяпсиз.

Айниқса, миллий тараққиётимизнинг янги босқичида ўзингизга билдирилган юксак ишончни ҳар томонлама оқлаб, муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини теран ҳис қилган ҳолда, уларни амалга ошириш йўлида сабот ва матонат намуналарини кўрсатиб, мамлакат тарихида муҳим янгиланишлар ва ўзгаришлар рўй бераётган масъулиятли даврда Юртбошимизга елкадош бўлиб, юртимиз равнақи учун садоқат билан хизмат қилаётганлигиниз ҳар қандай таҳсину эътирофга муносибдир.

Сизнинг улкан ташкилотчи ва раҳбарлик фазилатларингиз бугун Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида яққол намоён бўлмоқда. Сиз келгусида ҳам бой билим ва тажрибангизни ҳудуд ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида тўла сафарбар этишингизга ишонамиз.

Қадрли Шухрат Мадаминovich!

Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинланганлигиниз билан яна бир бор қутлар эканмиз, Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, куч-қувват, шарафли ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат ва эҳтиром ила,

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси номидан

Қувондиқ Санақулов, Ўзбекистон Қаҳрамони

2020-01-15 14:25:00